



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК ВА ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

ПОСТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2003 йил 9 октябрь, пайшанба • 41 (3517)-сон

Маҳалла посбони жамоатчилик тузилмалари такомиллашиб бораётгани ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотлар самараларидан биридир. Бугунги кунда маҳалла посбонлари ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашда фаол иштирок этиб, профилактика инспекторларининг мустаҳкам таянчига айланишяпти. Улар ўзларига билдирилган ишончни чуқур ҳис этиб, виждонан, ҳалол хизмат қилаётганлари боис, муносиб ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлмоқдалар.

ПОСБОНЛАР – МИЛИЦИЯНИНГ ЯҚИН ҚўМАКЧИЛАРИ



Суратларда: Тошкент шаҳар Миробод тумани «Темирўлчилар» маҳалласи профилактика катта инспектори, милиция капитани Абубакир Ешбоев ва маҳалла посбонлари сардори Абдумажид Собиров ҳудудни айланиб юришибди; маҳалла посбонлари Шухрат Холмуродов ва Абдурашид Мусаевлар маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Зулайхо Файрадова билан навбатдаги ишлар хусусида суҳбатлашяпти.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

УШБУ СОНДА:

МАЪНАВИЙ ТАШРИФ

«...Хожа Абдулхолик ҳазратлари пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бошланган тариқат силсиласида Юсуф Ҳамадонийдан сўнг ўнинчи пир – ҳалқа ҳисобланадилар...»

4

ЁШ

ҚАРИЯЛАР

«...Прагалик Анжела Чехова уч ёшга тўлганида ота-онаси унинг ноёб қобилиятларини пайқаб қолишди: қизча математикани тез эгаллаб, шеърят билан шугуллана бошлади...»



6

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

«...Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБ ходимлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш йўлида астойдил хизмат қилмоқдалар...»

13

БўЛАДИГАН БОЛА

«...Бошлиқни боланинг ўткир хотираси, дов-юраклиги, чақ-қонлиги ҳайратга солди. «Қани энди шундай ўсмирларни тарбиялаб, тўғри йўлга солсак, – хаёлидан ўтказди у. – Ажойиб изқуварлар етишиб чиқарди-да»

15

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа материаллар билан танишасиз.

Халқаро алоқалар

ОШКОРА СУҲБАТ

Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Кодиров ва ИИБ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Шарафутдинов АҚШ юристлари делегацияси билан учрашди. Учрашувда АҚШ Адлия вазирлиги, Федерал суди ва Давлат департаменти билан мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида маҳбустлар ва маҳкумларни халқаро стандартларга мувофиқ сақлаш борасида амалий тажриба алмашиш масаласи муҳокама қилинди.

Меҳмонлар мамлакатимиз жазони ижро этиш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, тергов жараёни бошидаёқ гумондорлар ва айбланувчиларнинг химоячилар билан таъминланиши ҳақидаги маълумотларни қизиқиш билан тингладилар. Улар шунингдек, республика ИИБ идоралари ва муассасалари фаолиятида қонунчиликка риоя қилиниши ва инсон ҳуқуқларининг таъминланиши борасида кўрилатган чоралар тўғрисида батафсил хабардор қилинди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасининг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси С. Стоун, АҚШ Адлия вазирлиги фуқаролар ҳуқуқлари бўйича бошқарма бошлиғи ўринбосари Д. Гинсбург, АҚШ Федерал судьялари К. Арена, Ж. Танхейм ва бошқалар қатнашди.

Ўз мухбиримиз.

ВАЗИРЛИҚДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Германия Федерал Адлия вазирлиги делегацияси ташриф буюрди. Унга вазирликнинг давлат котиби Х. Гайгер бошчилик қилди.

Меҳмонларни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов қабул қилди. У Германиялик юристларга вазирликнинг тузилиши, асосий фаолият йўналишлари ҳақида гапириб берди. Хусусан, диний экстремизм ва терроризм, уюшган жиноятчилик ҳамда гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш масалаларига алоҳида тўхтади.

Х. Гайгер самимий қабул учун миннатдорчилик изҳор қилиб, икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик янада ривожланиб, мустақамланишига қатъий ишонч билдирди.

Учрашувда Германия Федерал Адлия вазирлиги ҳамда Федерал Бош прокуратурасининг раҳбар ходимлари, Ўзбекистон томонидан эса республика ИИБ қатор Бош бошқарма ва бошқармалари раҳбарлари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

Фармон ва ижро

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштириш борасида яна бир қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида"ги Фармони уларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши жараёнига ижобий таъсир этиши шубҳасиз. Авваламбор, унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар манзил-колониаларига ўтказилгач, яқинларидан деярли ажралишмайди. Фарзандларини нафақат моддий таъминлаш, балки тарбиялаш имкони ҳам кенгайди. Қолаверса, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган, ўта оғир жиноят содир этганлар умумий тартибли колонияларга ўтказилгач, қайта жиноят содир этган шахсларнинг салбий таъсиридан халос бўлишади.

Мазкур Фармонни бажариш юзасидан республика ИИБ Жазо-

ни ижро этиш Бош бошқармасида режа тузилди. Унга кўра ҳозирда республика Бош прокуратураси билан биргаликда Фармоннинг биринчи банди ижросини таъминлаш механизми ишлаб чиқилляпти. Режада зарурат туғилганда айрим қаттиқ тартибли колонияларни умумий тартибли колонияларга айлантириш ҳам кўзда тутилган.

Жазони ижро этиш муассасаларида ходимлар ва маҳкумлар ўртасида Фармоннинг инсонпарварлик моҳияти ҳамда қатта тарбиявий аҳамиятини тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Тез орада аниқ жадваллар ва етарли миқдорда тегишли ҳужжат-

ларнинг бланкалари ҳам тайёрланади.

Маълумки, Фармонда Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликларига ҳамкорликда бир ойлик муддат ичида тегишли қонунчилик ҳужжатларига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар ишлаб чиқиб, тақдим этиш топширилган. Юқоридаги режада мазкур бандни бажариш юзасидан ҳам аниқ вазифалар белгилаб олинган. Хуллас, Юртбошимизнинг қатта аҳамиятга молик Фармонини белгилаган муддатларда, аниқ ижро этишга қаратилган ишлар қизгин бошлаб юборилди.

Ўз мухбиримиз.



Сурхондарё вилояти ИИБ ППХ батальони ходимларига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Матиз" русумли автомобиллар жуда қўл келмоқда. Айти пайтда хизматда йигирмага яқин ана шундай автомашиналардан фойдаланиляпти.

Суратда: ППХ батальони милиционерлари белгилаган йўналишларга чиқиш олдидан.

«Пахта — 2003»



ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛЯПТИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилда пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари борасидаги Қарорида ички ишлар ходимлари зиммасига ҳам қатор вазифалар юклатилган. Бу вазифаларни бажариш асносида ички ишлар ходимлари мавсум бошидан буён пахтани ўғирлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқ ўттизга яқин ҳолат аниқладилар.

Юртимиз худудидан пахта хом ашёсини четга олиб чиқишга уринаётганлар ҳам учраб турибди. Масалан, Сирдарё тумани "Янги ҳаёт" хўжалигида яшовчи, муқаддам судланган Гофуржоннинг уйдан Қозоғистон Республикасига олиб ўтиб сотишга тайёрлаб қўйган 2175 кг пахта олинди.

У. ХОЛМАТОВ,
милиция лейтенанти.

Шу пайтгача олти тоннага яқин қимматбаҳо хом ашё ўз фойдасини кўзлаган кимсалардан олиниб, давлат хирмонига топширилди.

Афсуски, ҳамон пахта пайкалларини пайҳон қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бунга чек қўйиш мақсадида айбдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўриляпти. Этиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келадиган яна бир сабаб ўт балосидир. Бунинг олдини олиш мақсадида пахта майдонларида, қабул пунктларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган юзга яқин шахсга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, уларга икки миллион сўмга яқин жарима солинди.

Пахта миллий бойлигимиз. Унинг бир мисқолига хиёнат қилиш она-юртга, халқимизга хиёнат, демакдир. Афсуски, орамизда ана шу туйғуни оёқ ости қилаётганлар учраб турибди. Андижон вилояти ИИБ "Пахта-2003" тезкор штабидан олинган қуйидаги маълумотлар ҳам бунинг исботидир.

ХАЛҚ БОЙЛИГИ — МУҚАДДАС

● Пахтаобод туманида яшовчи уч нафар фарзанднинг отаси Ф. Х. 220 килограмм пахтани ноқонуний тарзда сотиш учун олиб кетаётган пайтда қўлга олинди.

● Марҳамат туманилик А. Т. эса ўз автомашинасида 120 килограмм пахтани Қирғизистон Республикасида пуллаш учун олиб кетаётган экан. Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракати билан унинг ноҳуя ҳаракати чек қўйилди.

С. ХУСАНЗОДА,
Андижон вилояти.

● Жалолқудуқ туманида истиқомат қилувчи Э. П. ҳам 83 килограмм пахтани ўғирлаб кетаётгани маълум бўлди.

● Марҳамат туманида яшовчи А. А. ўғирлиги фош этилмаганда 30 килограмм пахтани Қирғизистон Республикасига олиб ўтиб сотган бўларди.

Халқ бойлигига кўз олайтирганлар қилмишларига яраша, албатта, жазо олишларини унутмасликларини истардик.

Ибрат

ЯХШИЛАР НОМИ АБАДИЙ

Марҳум милиция подполковниги Шароф Назаровнинг номини нафақат Жиззах туманида, балки вилоятда ҳам ҳурмат билан тилга олишади. Чунки у тинчлик ва осойишталик йўлида кўп йиллар ҳалол хизмат қилиб, халқнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган инсонлардан эди.

Яқинда Жиззах тумани "Шодлик" маҳалласидаги кўчалардан бирига Ш. Назаровнинг номи берилиши муносабати билан тантана бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги вакиллари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, марҳумнинг қариндошлари, сафдошлари, ички ишлар идоралари фахрийлари, шогирдлари иштирок этишди. Вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги И. Муродов Ш. Назаровнинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли, эзгу ишлари, инсоний фазилатлари тўғрисида сўзлади. Шунингдек, фахрийлар, маҳалла оқсоқоллари, ҳамкасблари, шогирдлари ҳам у ҳақда илқ фикрлар билдиришди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

Хабар

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ислом динини сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кучлар ёвуз ҳаракатларининг олдини олиш, ўтказилаётган чора-тадбирларнинг ҳаётий аҳамияти ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган ишлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда мазкур Қарор ҳамда "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш" Дастури ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли вазифалар бажарилмоқда. Хусусан, Тошкент Ислам университетида давлат ва жамоат ташкилотлари ходимларини дин олами билан яқиндан таништириш мақсадида доимий фаолият кўрсатувчи семинар ташкил этилди. Қуни кеча ушбу семинарнинг республика оммавий ахборот воситаларида диний-маърифий мавзунини ёритиш масалаларига бағишланган навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов, Тошкент Ислам университети проректори, олим Абдулазиз Мансуров ва кўплаб диншунос олимлар, тадқиқотчилар иштирок этиб, қизқарли маърузалар ўқишди, шунингдек кўплаб саволларга жавоблар беришди.

Ўз мухбиримиз.

ЮКСАК ХИРМОННИ КЎЗЛАБ

Пахта йиғим-терими қишлоқ хўжалигида қатта куч талаб қилувчи иш бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай. Бебаҳо бойликни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва давлат омборларига топширишида ҳар доим милиция ходимларининг ўрни бекиёсдир. 2002 йил Риштон туманида йиллик пахта режаси бажарилмай қолганди. Бу йил мавжуд камчиликларни барта-раф этиш учун бутун куч-имкониётлар ишга солинаётди.

Айни дамда барча жойда терим авжида. Бу борада зарур ташкилий ишлар йўлга қўйилди ва шу асосда иш юритилмоқда.

Туманда пахта ташишга мўлжалланган транспортларнинг техник кўриги ўтказилиб, йўллар таъмирланди. Пахтани ташиш учун 168 та трактор, 7 та "ЗИЛ" русумли автомобиллари ажратилди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун 15 та автопатруль машиналари жиҳозланиб, 31 та жойда назорат масканлари ташкил қилинди.

Туманимиз кўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлганлиги учун у томонга айрим ўз манфаатини кўзлаган кимсалар пахтани олиб ўтиб пуллаш ҳолларининг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланган.

Пайҳон ҳам ҳосилнинг кушандасидир. Ҳозирги кунга қадар туманда 12 та ана шундай ҳолат аниқланди. Жумладан, туманининг Янгиобод қишлоғида яшовчи Абдурахмон Жамолдинов "Ёшлик" ширкат хўжалигига қарашли пахта даласида 2 бош қорамолини боқиб, 0,5 сотих пахтазорни пайҳон қилгани учун бир бош қорамоли сўйилиб, гўшти етказилган зарарни қоп-

лаш мақсадида хўжаликка ва кам таъминланган оилаларга берилди.

Ёнғин хавфсизлиги олдини олиш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди, жойларда суҳбатлар ўтказилиб, хирмонларга керакли ўт ўчириш ускуналари ўрнатилди. Пахта қабул пунктлари, заводларда ҳам бу борада муайян ишлар қилинди, пахтани ташувчи транспортлар ўт ўчиригичлар билан таъминланди.

Ҳашарчилар учун ётоқхоналар таъмирланиб, жиҳозлаб қўйилди. Бу жойларда жамоат тартибини сақлаш ва йиғим-терим мавсумини салбий ҳолатларсиз ўтказиш мақсадида милиция ходимларидан масъуллар бириктириб қўйилди. Айниқса, милиция капитани Исмоилжон Мамазияев, милиция майорлари Муминжон Ҳамдамов, Эминжон Обидовлар жонбозлик кўрсатишмоқда.

М. ТЎХТАБОВ,
милиция майори.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ишбилармонлик, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Хусусан, чет эл сармоюдорлари билан алоқалар тобора ривожланиб бораёпти. Кенг имконият, шарт-шароитлар яратилганлиги боис, республикамизда кўплаб хорижий фирмалар, қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўпайиши, экспорт қилиниши эса ҳам давлат бюджетига, ҳам тадбиркор сармоясининг ортишига ҳисса қўшмоқда.

Кўплаб хорижлик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклари билан анча йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келишаёпти. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида нопок, фарз ният билан юртимизга ташриф буюраётганлар ҳам йўқ эмас.

Ана шундайлардан бири — афғонистонлик Рашид (исмлар ўзгартирилган) республикамизга ишбилармон сифатида келганди. Аммо унинг ғайриқонуний йўл билан бойлик орттириши кўзлагани ошкор бўлди. Бир нечта чет эл фирмалари ва қўшма корхоналари раҳбарларига тазйиқ ўтказиб кун кечира, бориб маишат қилмаган дискотекаю ресторани қолмаганди. Рашид эски танишларини пойтахтимизга таклиф этади. Эрон фуқароси Хуррамни “Зунейра Интерпрайзес” қўшма корхонаси орқали чақиртиради. Жорий йилнинг март ойида юртимизга муҳандис сифатида келган Хуррамнинг Ўзбекистонда яшаш муддатини “Аяран ЛТД” масъулият чекланган жамият орқали яна узайтириш сўралади. Аммо рўйхатдан ўтиш ва вақтинча яшаш муддати ўтиб кетгани сабабли унга жарима солиниб, Ўзбекистондан чиқариб юборилади. “Бедананинг уйи йўқ, қайга борса

— битбилдик”, деганларидек, энди у қўшни Қирғизистондан қўним топади. Орадан бир оз вақт ўтиб, аниқроғи, июль ойининг бошларида Хуррам Тошкентда фаолият кўрсатаётган “Лемер Бридж” қўшма корхонаси ходими сифатида яна ташриф буюради. Энди унинг виза муддатини узайтириш сўраб ички ишлар идорасига “Гул Барз” масъулият чекланган жамият раҳбари Ботир Азимов мурожаат қилади. Ваҳоланки, амалдаги тартибга кўра, виза муддатини узайтириш учун фуқарони таклиф қилган корхона тегишли идоралардан сўраши лозим бўлади.

Ушбу ҳолат республика ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси ходимларида шубҳа уйғотади. Шубҳалар бежиз эмас экан. Чунки дастлаб Хуррамни Ўзбекистонга чорлаган “Зуней-

ра Интерпрайзес” қўшма корхонаси анчадан буён ўз фаолиятини тўхтатганлиги маълум бўлди. Корхона раҳбари эса ҳеч кимни таклиф этмаганлигини билдирди. Текширувлар малакали мутахассислар ёрдамида олиб борилгач, “Аяран ЛТД” масъулият чекланган жамият ҳам ишламаётганлиги аниқлан-

хонанинг муҳри менда эди. Лекин вақтинча ишни тўхтатгандик. Шу орада эрим кўнғироқ қилиб, қандайдир аёл боришини айтди. Қўлида тўлдирилмаган бланка билан келган аёл муҳр ва имзо чектириб олди. Шундан сўнг уни кўрмадим.

Оқу қорани ажрата оладиган раҳбар ўзи муҳр босиб, қўл қўяётган ҳужжатнинг мазмуни билан қизиқиб кўрмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Хўп, Махирам эрининг топширигини бажарган дейлик. Ҳамшаҳарларимиз-чи? Арзимас Ҳойчақани деб улар қонунга хилоф ишларга аралашиб юришса.

— 1995 йилдан буён чет эл ишбилармонлари билан ҳамкорликда ишлайман, — дейди “Лемер

— Ҳозир вақтинча ишламаяпман, — дейди “Гул Барз” масъулият чекланган жамият раҳбари Ботир Азимов. — 2001 йилгача тадбиркорлик қилиш мақсадида юқоридаги фирмани ташкил қилгандик. Аммо хорижликлар билан ҳамкорлик қилмаганим. Фирма номидан Эрон фуқароси Хуррамнинг виза муддатини узайтириш тўғрисидаги буюртманомани биринчи бор кўришим. Ундаги муҳр фирмамники, имзо эса меники эмас, қалбакилаштирилган. Қолаверса, ҳозирда фирма фаолият кўрсатмаяпти.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, аксарият фирма раҳбарлари қандай ҳужжатга муҳр босиб, имзо чекишаётгани билан қизиқиб кўришмаган. Аниқроғи, лоқайдлик, безътиборлик билан ёндашишган. Бу эса хорижлик фирмаларга қўл келган. Ўзбекистонга келган Рашид, Хуррам каби мақсадсиз, ишининг тайини бўлмаган шахслар компьютер ёрдамида ишламаётган корхоналарнинг махсус бланкаларини ясаб олишнинг ҳадисини олишгани кўриниб турибди. Ҳозирда уларнинг бошқа ишлари ҳам ўрганилмоқда. “Билмайн босдим тиканни, тортадурман жабрини” деганда халқимиз минг бора ҳақ экан. Фирмаларга шарт-шароитлар яратиб берганлар ҳам, албатта, жазосини олишади.

Соддадил, очиқкўнгил юртдошларимиз шериклари кимлиги, уларнинг мақсади, нияти поклигига ишонч ҳосил қилишгандан кейингина алоқа ўрнатишса, нур устига аъло нур бўларди.

Б. ШОРИХСИЕВ,
милиция полковниги.

СОХТА



ТАДБИРКОРЛАР

УЛАРНИНГ АСЛ МАҚСАДИ НИМА ЭДИ?

ди. Савол туғилади: хўш, унда Хуррамнинг виза муддатини узайтириш учун юридик корхона номидан ким мурожаат қилган?

— Мен мазкур жамиятнинг таъсисчисиман, эрим эса бош директор, — дейди ҳамюртимиз Махирам. — Турмуш ўртоғим Муҳаммад Тоир билан қарийб ўн йилдан буён яшаб келаяпмиз. У июнь ойида Афғонистонга кетганлиги боис кор-

Бридж” қўшма корхонаси раҳбари Мавлуда Курбонова. — Орадан икки йил ўтгач, корхонанинг ўша пайтдаги директори ўз юртига кетаётган, ўрнига мени тайинлади. Афғонистонлик Рашид билан танишгандим. Бир куни у олдимга келиб, 4 донга тўлдирилмаган фирма бланкаларига муҳр ва имзо қўйдириб олиб кетганди. Лекин Хуррам исми йигитни умуман кўрмаганман.

Милициянинг ишончли таянчи

САРДОР

“Темирйўлчилар” маҳалласи Миробод туманининг аҳоли гавжум ҳудудида жойлашган. Йигирмадан ортиқ миллат вакиллари яшайдиган бу масканда илгари турли жиноятлар содир бўлиб турарди. Маҳаллага ички ишлар идоралари фариши, истеъфодаги милиция полковниги Муҳаммаднинг Абутов оқсоқол бўлгач, ҳуқуқбузарлик ва қондабузарликлар кескин камайди.

— Маҳалламизда истиқомат қиладиган аксарият фуқаролар ҳалол меҳнат қилиб, тинч-тотув яшашади, — деди у. — Аммо шולי курмаксиз бўлмаганидек, жиноят қилишга мойил, жанжалкаш, ичкиликбозлар ҳам йўқ эмас. Агар улар доимий назорат қилиб турилмаса, бирор кўнгилсиз ҳодиса келиб чиқиши мумкин. Профилактика инспекторининг бир ўзи бутун ҳудудни айланиб, текшириб туриши мушкул. Бу борада маҳалла посбонларининг ёрдами катта бўлаётганини айтиб ўтиш ўринли. Абдумажид Собировнинг касби ўқитувчилик. Биз уни посбонлар сардори этиб тайинлаб янглишмадик. Зеро, у кишилар психологияси, айниқса, болаларни тез тушунади. Боз устига, муомалали, маҳалладагилар ҳурмат қилишади.

— Бир куни маҳалла посбони Абдумажид Собиров билан ҳудудни айланиб юргандик, — дейди профилактика катта инспектори, милиция капитани Абубакир Ешбоев. — Ҳамроҳим Амроробод кўчасидаги хонадонларнинг биридан чиқиб келган йигитни кўрсатиб, шубҳали кўриняпти, бу ерлик эмас, деди. Йигитни тўхтатиб, ҳужжати, қандай юмуш

билан юрганини суриштирдик. У бир оз каловланиб қолди. Милиция таянч пунктига олиб келдик. Суриштирувда йигит тошкентлик экани, ўғрилиқ жинояти содир этгани аниқланди.

Ҳозирда А. Собиров маҳалладаги тўққиз нафар маҳалла посбонига бошқорш. У ҳар бир ишни маҳалла оқсоқоли ва профилактика инспекторлари билан бамаслаҳат амалга оширади. Хусусан, жазони ижро этиш муассасасидан қайтган Бахтиёр Нуралиевнинг яна ўз йўлини топиб олишига кўмаклашди. Бу фуқаро айни пайтда Тошкент асбобсозлик заводида ишлаяпти. Маҳалла фаоллари бош бўлиб, унинг оилали бўлишига ёрдам беришди. Адашиб, бошқалар таъсирига тушиб қолиб, жазо муддатини ўтаб келган Р. Холмирзаев ва Ж. Бозоровлар ҳам ҳалол ишлаб, оила аъзолари билан тинч-тотув яшашяпти.

Маҳалла посбони ҳудудни беш қўлда билладиган, ҳаммани танийдиган, фуқаролар ўртасида муносиб обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Ана шунда зиммасидаги вазифани Абдумажид Собиров каби аъло даражада удралайди.

С. ШАМСИДИНОВ.

Эътироф

Раҳбарнинг шу бир оғиз гапи қўл остида ишлаётган ходимларга нисбатан берилган баҳо эди. Жондор тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Соҳиб Ҳафизов суҳбат чоғида катта терговчи, милиция майори Меҳриддин Саидов ҳақида қисқа, аммо илқ сўзларни айтди:

— Меҳриддин ўз устида ишлашдан эринмайди, ишга масъулият билан ёндашади, муҳим ишларни бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликда бажаради. Унинг яна бир фазилати — камтарлик. Ҳар қандай жиноятчининг қалбига осонлик билан йўл топади.

Меҳриддин Саидов билан учрашганимизда унга диққат билан разм солдим. Чехраси чиндан ҳам самимий, қиёфасидан камтарлик ёғилиб турарди. Уни илк бор кўрган киши қаттиққўл терговчи деб ўйламайди. Балки Меҳриддиннинг муваффақияти шунандир, дея ўйлайман.

Сезиб турибман, у ўзи ва иши ҳақида гапирганини истамаяпти. Баъзилар шундай — индамас, камгап бўлади, аммо ўзига топширилган ишни қўйиллатиб бажаради. Фейл-атвори турли кишилар бор-да.

— Бир дорилфунунда ўқиган эканмиз, сиз юрфакни, мен журфакни тугатганман, — дедим орадаги ўнғайсизликни кетказиш учун.

— Узим ҳақимда айтсам, университетни тугатиб, дастлаб ишни жамоа ҳужалига ҳуқуқшуноеликдан бошладим. Сўнгра Бухоро шаҳри Тўқимачилик тумани-

да терговчи бўлдим. Шу-шу ишлаяпман, йиллар ўтди, касбим, соҳам ўша-ўша — терговчиман.

Малакали терговчилар ўз ишлари ҳақида кам гапирдилар, чамаси. Шундай бўлса-да, суҳбат чоғида унинг отаси — Эркин Саидов истеъфодаги милиция майори эканлигини билдим. Меҳриддин табиийки, босиқлик, камтарлик, хуллас, милицияга хос жамики фазилатларни отасидан, қолаверса, турли жамоаларда

сўзлаб бераман, — ниҳоят Меҳриддиннинг қўли-дили очила бошлади.

— Ваъдами бу, ишонса бўладими?

— Албатта.

— Эртага ушбу мулоқотимиз газетда босилиб чиқса, ўқувчилар муҳбир жуда нўноқ экан, терговчи билан суҳбатлашибди-ю, аммо ундан бирорта жонли мисол ололмабди, демайдими?

Гапимни эшитиб, Меҳриддин жилмайди:

— Аҳдим қатъий денг, барибир ёзасизми?

— Шундай.

— Бўлмаса эшитинг: йўлда

«ТЕРГОВ ГУРУҲИДАН ХУРСАНДМАН...»



ишлаб орттирган. У очган жиноятларни суддан, жиноий ишлардан билиб олиш, ёзиш қийин эмас, аммо мен терговчининг ўзини ўрганишни мақсад қилиб қўйган эдим. Бу бир соатлик, бир кунлик иш эмас, албатта...

— Яқинда бир ишни якунлаймиз, ўшанда бутун тафсилоти билан сизга

бир фуқарони автобус уриб, у воқеа жойида ҳалок бўлади, — дея бир жиноят ишини эслади у. — Воқеани ўрганишга киришдик. Ҳайдовчи айбни ўз бўйига олиб турибди. Воқеа жойи, автобусни синчиклаб кузатдим, синган, ерга сочилиб ётган майда ёритгич бўлақларига эътибор бердим. Айбни ўз

бўйига олган ҳайдовчининг автобусида эса синган, ёрилган қисмлар йўқ эди. Демак, у моддий манфаатдорлик эвазига бизни алдаган, чалғитмоқчи... Тушунапсизми, терговнинг шундай назик томонлари ҳам бор, буни ҳисобга олиш зарур. Акс ҳолда айбдор қолиб, айбсизга жабр бўлади. Жиноят дунёсининг ўзига хос, ҳар қандай хушёр кишини ҳам чалғитишга мойил томонлари бор... Бунга мисоллар кўп...

Бехос эшик очилиб, хонага бир йигит кириб келди.

— Мана, сиз айтган мақолани топдим, — деди у қўлидаги газетани Меҳриддинга тутқазаркан. Ажабланишимни кўриб:

— Ёш терговчиларни газета ўқишга даъват қиламан, — деди Меҳриддин.

— Терговчи ўзи билан овра бўлиб,

бошқа касбдошларининг ишидан, тажрибасидан хабарсиз қолмаслиги керак. Талабалгимдан то ҳозиргача терговчи ҳақида нимаики ўқисам алоҳида дафтарга елимлаб, йигиб бораман. Баъзида уларни такрор ўқийман. Назаримда бирорта терговчи иккинчисини такрорламайди. Аммо иш давомида ўхшаш жараёнлар бўлади. Йиллар мобайнида терговчининг услуби шу тахлит шаклланади, такомиллашади.

Мана, ниҳоят катта терговчи Меҳриддин Саидовнинг юрагига йўл топдик. Энди уни гапиртириш мумкин. Бу ёғи ҳамкорликда, бир-биримизни тушуниб ишлашда қолди...

Р. РАУПОВ.

Суратда: милиция майори **М. Саидов (ўнгда)** ва терговчи, милиция капитани **Д. Ҳасанов.**
Муаллиф олган сурат.

Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллигига

МАЪНАВИЙ ТАШРИФ

Дунёда машхур шахслар, номлар, чиройли шахар, қишлоқлар кўп, лекин мусулмон дунёсида "Силсилаи шариф"нинг ўнинчи ҳалқасига мансуб ҳазрат Абдуллоҳиқ ал Гиждувоний каби ўзи туғилган маконга машхурлик, файз ҳадя этган шахслар назаримда санокли бўлса керак. Аввало билишимиз лозимки, авлиёлик ҳаммага ҳам насиб этадиган мартаба эмас, бундай улуг юк, шарафни кўтаришга лойиқ кишини Аллоҳ яратади, Аллоҳ танлайди.

Ул мухтарам зот – Гиждувонийнинг боқий сабоқлари ҳақида гапиришдан олдин мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг ўтган йил Бухоро вилоятига, жумладан Гиждувонга қилган сафарини эслайлик. Юртимизда бошланган бундай хайрли, улкан тадбирларнинг бошида ким турибди? Буюк алломаларимиз номи, таълимоти элимизга журъат билан, ҳурмат-этиқод билан етказишда ким жонбозлик кўрсатапти? Юртбошимизнинг бу борадаги хизматларини тарих албатта баҳолайди. Биз эса, ташриф давомида юбилейга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ юмушлар – Мирзо Улуғбек мадрасаси ва Абдуллоҳиқ Гиждувоний мақбарасини таъмирлаш, шахарни янада обод қилиш,

аллома номидаги боғ барпо этиш каби тадбирлар ҳақида келишиб олинганини эсламоқчимиз.

Орадан бир йил ўтди. Гиждувонга келган меҳмон бугун шахарни таниёлмайди. Бу қадар кенг миқёсли ўзгаришларни кўриб қувонасан, юрагинг фаҳрга тўлади. Мингга яқин ишчи, усталар, мутахассислар ишлашапти. Мустақилликдан сўнг халқнинг кўз ўнгида бутун бошли шахар бунёд бўлмоқда. Бу айтишгагина осон. Совет даврида Москвадан берухсат бирор-бир болалар боғчаси ёки кичикроқ бозор қуролмаган халқимиз бундай бунёдкорликдан қувонмасинми? Сир эмас, узоқ йиллар улуг аждодларимиз номи, таълимоти, ҳатто қабрлари ҳам хароба деворлари мафкура кўриқ-

чилари билан тўсилди. Бугун эса адолат тантанасини кўриб турибмиз. Вақтнинг бир жойда қотиб қолмаслиги, ҳар қандай зулму-эъронлиқнинг охири борлигига далил шуки, Ватан озод бўлди. Юртнинг – Ўзбекистоннинг эгаси борлиги, ўзбек деган миллат, Ўзбекистон деган давлат борлигини дунё таниди, тан олди.

Иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларда эришган ютуқлар ҳақида тўхталмай, маънавий қадриятларимизнинг баъзи саҳифалари ҳақида эслашнинг ўзиёқ кифоя. Буни биргина Бухоро вилояти мисолида айтидиган бўлсак, мустақилликнинг иккинчи йилидаёқ Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида"ги Қарори эълон қилинди ва 1993 йили ҳазратнинг қутлуг тўйи халқаро миқёсда нишонланди. Орадан кўп ўтмай (1993 йил 11 декабрь) Гиждувонда пиру комил Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний таваллудининг 890 йиллик тўйи ўтказилди. Юбилейга дунё мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюрдилар. Кўплар ҳали мустақиллик сўзини оғиз тўлдириб айтишга чўчиб турган бир дамда юқоридаги қарор тафаккуримизни ларзага солди. Юртбошимиз ўз фуқаролари он-

гини, қалбини иймон-этиқод, миллий хотира-ўзлик каби маънавий қадриятларга йўналтирдик, буларсиз озодлик тушунчасини ҳазм қилиш мушкул эди.

.... Бугун Хўжайи Жаҳон зиёратига борган кишининг қалби шу ва шу каби ҳисларга тўлиб, қадимгилар айтганидек, иймони гужумдек бўлиб қайтишга шубҳа йўқ. Гиждувонда ҳазрат шарофатлари билан бошланган ўзгаришлар ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмапти. Кимдир таъмирлаш жараёнига, янги қурилишларга, бошқа биров ул зотнинг тарихию қароматларига, ёзган китобларига қизиқади. Зиёратга келиб-кетувчиларнинг-ку ҳисоби йўқ. Буларни кўриб-қузатар экансиз, кўнгилдан "Авлиёларнинг юки ерда қолмайди" деган ҳикмат ўтади. Буюк сўфий бобомизга нисбатан халқнинг эҳтироми, ихлоси нақадар баландлиги ақлни шошириб қўяди. Ҳамюртларимиз, бутун Бухородан, қўшни вилоятлардан, Самарқанду пойтахт Тошкентдан келган усталар ҳеч бир миннатсиз, завқ билан ишламоқдалар.

"Силсилаи шариф", "пир" каби ибора ёки сўзлар тез-тез қулоққа чалинади. "Силсилаи шариф" – тариқат пирларидан иборат ҳалқа. Ҳалқалар бир-бирига уланса, занжир ҳосил бўлади. Занжирнинг биринчи ҳалқа-

си – Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с. а. в.), иккинчиси, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р. а.). Ҳалқа пирлари шу тахлит давом этади ва Хожа Абдуллоҳиқ ҳазратлари пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бошланган тариқат силсиласида Юсуф Ҳамадонийдан сўнг ўнинчи пир – ҳалқа ҳисобланадилар.

Ҳазрат Абдуллоҳиқ Гиждувонийдан қолган мерос ҳақида гапирадиган бўлсак, ул зот "Васиянома" ёки "Тариқат одоби", "Мақомати Юсуф Ҳамадоний", "Мақомати Абдуллоҳиқ Гиждувоний" каби китоблар муаллифи ҳам эканлар. Ҳазратнинг куйидаги пандлари биз учун бугун ҳам қадридлир: "Эй фарзанд, фикҳ (шариат қонуни ҳақидаги фан) ва ҳадис илмини ўрган, жоҳиллардан (билимсиз, динсизлардан) узоқ юр, молинг фикҳ китоблари бўлсин. Бирор киши сени мақтаса гурурланма, танқид қилса ранжима. Бировдан ҳеч нарса сўрама, таъма қилма, саховат аҳлидан бўл..."

Ҳикмат аҳлининг буюк донишманди ҳисобланмиш Абдуллоҳиқ Гиждувоний ҳазратларининг қутлуг тўйи арафасида турган эканмиз, авлиё боболаримизнинг ушбу сўзларини ёдга олайлик: "Инсон то кўнглини ювмагунча тоза бўлмайди".

Шундай экан, Гиждувоний ҳазратларининг руҳий ва маънавий ташрифларига қалбан тозариб, пешвоз чиқайлик, улуғларимизнинг руҳлари шод бўлсин.

Гиждувонга марҳабо!

Ражаббой РАУПОВ.

Маънавий-сиёсий тайёргарлик машғулоти гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

АРМИЯДА ЯККАБОШЧИЛИК ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ҳарбий қурилишнинг муҳим тамойилларидан бири — яккабошчилик ҳисобланади. Қуроли Кучлар Ички хизмат Низомида (30-модда) яккабошчилик қўшинларга раҳбарлик қилиш ва ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларнинг тамойилларидан бири саналади, дейилган. Яккабошчилик қўшинлар бошқарувининг бир услуби сифатида нафақат генерал, офицер, шартнома асосида хизмат қилувчилар, балки бутун шахсий таркибга тегишлидир.

Яккабошчиликнинг моҳияти нимада? Ички хизмат Низомининг юқоридаги моддасида бунга аниқлик киритилган: "У командирга (бошлиққа) бўйсунувчиларга нисбатан идора қилиш ҳокимиятининг бутун тўлалигича берилишида ва ҳарбий қисм, бўлинма ва ҳар бир ҳарбий хизматчининг ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма жиҳатлари учун давлат олдида шахсий жавобгарлик унинг зиммасига юкланишида ўз ифодасини топади".

Гуруҳ раҳбари ҳарбий хизматчиларнинг бўйсунуш тартибини бузганликлари учун жавобгарликлари ҳақида тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 279, 280, 281-моддаларига асосланиб тўлиқ маълумот бериши лозим.

Бу зарурат Ички қўшинларда унинг моҳиятидан, яъни давлатимиз аҳолисининг сақлаш, ўта муҳим иншоотларни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш вазифасини бажаришдан келиб

чиқади. Негаки, бу тамойил қўшинларга тез ва ишончли раҳбарлик қилишни, бутун ҳарбий организмни ягона иродага бўйсундиришни, ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзига топширилган вазифани бажаришда шахсий масъулиятни сезишини таъмин этади.

Командир – яккабошчи давлат вакили ва у ҳарбий вазифаларни бажаришда йўл кўрсатувчи сифатида фаолият юритади. Узининг амалий фаолиятида командир шахсий таркиб билан ишлаш хизмати, штабга таяниб, уларнинг ҳарбий хизматчиларни юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашдаги, Ватанга садоқат ва муҳаббат, юксак ватанпарварлик туйғулари, маҳорат, аъло жанговар кўникмаларни ҳосил қилишдаги фаолликларини оширишга диққат-этиборини қаратмоғи лозим.

Яккабошчилик командирни шахсий таркиб билан албатта, мустақам алоқада бўлишини, қўл остидагиларни билишга, тушунишга,

уларда ўзига нисбатан ишонч ва ҳурмат пайдо бўлишига интилишини назарда тутаяди.

Командир нафақат ҳарбий раҳбар, балки ўз қўл остидагиларнинг тарбиячиси ҳамдир. Яккабошчиликнинг бу хусусияти Қуроли Кучлар Низомларида, аввало Ички хизмат низомида мужассамланган.

Халқнинг менталитети, урф-одат ва анъаналари, диний этиқоди, тарихий тажрибаларни командир амалий фаолиятида назарда тутиши лозим. Қўл остидагиларнинг ҳар қандай ўзига хос хатти-ҳаракатларига эътибор билан қараш унинг ҳурмати оширади, ҳарбий жамоада барқарор муҳит вужудга келади.

Ҳарбий хизмат жараёни, кундалик ҳаёт кўрсатаётгани, яккабошчиликнинг Ички қўшинлар учун аҳамияти асло камаяётгани йўқ. Шунинг учун ҳам замонавий шароитда бошқа ташкилий масалалар билан бир қаторда уни янада мустақамлаш чораларини кўриш зарур.

Бошлиқ ва аскарнинг маънавий муносабати (яқинлиги) яккабошчиликни мустақамлашнинг энг муҳим шароитларидан бири. Чинакам муносабатлар сирини – командирнинг ўз қўл остидагиларга бўлган ҳурмат-иззатидадир. Шу жойда буюк аждодимиз Амир Темурнинг куйидаги сўзларини эслаш

ўринлидир: "Мен жангчиларга доимо ҳурмат билан муносабатда бўлганман...". Демак, командир талабчанлик ва ғамхўрликни бирга олиб бориши лозим.


Офицерлар жангчиларга Низомлар, қўлланмалардаги кўрсатмалар, ҳарбий техникавий ва махсус билимларни етказиш билан бирга офицерлик гурури, штаб маданияти, бошқариш санъати, юксак маънавият, одоб-ахлоқ, Ватанга, халққа, Президентга садоқат руҳини намоён этишлари лозим.

Шартнома асосида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчилар аскарларнинг таълим-тарбия жараёнида бевосита қатнашиши жанговар ўқув сифатини такомиллаштириш, жанговар шайлиқни ошириш, ҳарбий интизомни мустақамлаш, ҳар бир бўлинмада Низом талабларига хос тартибни ўрнатиш, унда соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришда муҳим роль ўйнайди.

Аскар – яккабошчилик тизимидаги муҳим бўгин. У ўз ҳарбий бурчини виждонан ўташга бўлган масъулиятини чуқур англаб етиши, буйруқларни сўзсиз бажариши, шунингдек, ўз ҳуқуқларини билиши лозим.

Гуруҳ раҳбари машғулот сўнггида бошлиқларга онгли равишда бўйсунуш ҳарбий хизматнинг муҳим жиҳати эканлиги, бу қоида аждодларимиз – машхур саркардалар тажрибасида синалганини тарихий мисолларда кўрсатиб ўтиши мақсадга мувофиқдир.

Республика ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.



АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Яқинда Урганч туманидаги Қоровул қишлоғида янги милиция таянч пункти ишга туширилди. Ҳашар ўйли билан қурилган бу маскан барча зарур ҳиҷозлар ҳамда замонавий алоқа воситалари билан таъминланган. Профилактика инспекторлари жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда самарали меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Футбол, волейбол майдончалари маҳалла ёшлари ихтиёрида. Шунингдек, бу ерда туман ИИБ ЙХҲГ катта инспектори ҳамда маъмурий амалиёт инспектори ҳам фаолият кўрсатади. Аҳолига ҳар томонлама қулай шароитлар яратиб бериш мақсадида туман халқ банкининг бўлими ҳам худди шу масканда фаолият кўрсатмоқда.

Обод маҳалла йили муносабати билан қишлоқда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қадамбой ака Рўзметов бошчилигида бир гуруҳ маҳаллалар фаоллари бу хайрли ишларга бош-қош бўлишяпти.

Қоровул қишлоғидаги милиция таянч пунктнинг очилиш маросимида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Б. Сидиқов, Урганч тумани ҳокими Р. Зоирхоновлар иштирок этишди ва сўзга чиқиди.

Х. ЖАББОРОВ.

Суратда: бир гуруҳ осовишталик посбонлари Қоровул қишлоғида барпо этилган милиция таянч пункти олдида фаоллар билан навбатдаги ишларни режа-лаштиришяпти.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

UCHINCHI «Поетга» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI + TV OLAM

Қабилалар ҳаётдан

Перу ва Бразилия чегарадош бўлган ҳудудларда қон тўкиляпти: ўз тараққиётида энди тош асрини бошидан кечираётган икки ҳинду қабиласи ўзаро ҳаёт-мамот жангига киришган. Урушнинг нимадан бошланганини ҳозир аниқлаш қийин, аммо қонга қон, жонга жон ақидаси уларнинг ярашишига тўсқинлик қилапти.



ЧАНГАЛЗОРЛАР

Бразилия матбуотида вақти-вақти билан Амазонка чангалзорларида кечаётган бу уруш қурбонлари ҳақида катта-кичик хабарлар босилиб туради. Одам зоти ўтиши қийин бўлган чакалзор ботқоқликлар орасида, ирмоқларда ўзаро урушда ўлганларни илғаш қийин. Мурдаларни ҳойнаҳой ҳиндулар кўришса керак. Ашанинка қабиласида ҳам, амовака қабиласида ҳам ҳар ҳолда ўч олишга чек қўйиш қоидаси бордир. Аммо ҳозирча ҳеч бир томон бунга шовилмаяпти.

Қисқа давр ичида вендетта (ҳиндулар мурасасиз урушни шундай аташади) эллиқдан зиёд кишининг умрига зомин бўлди. Агар амовака қабиласида одам-

лар сони атиги бир неча юз нафарлигини назарда тутсак, манзара нақадар аянчли эканлиги аён бўлади. Бу кетишда қабилла бутунлай қирилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Ашанинкалар азалдан бошқа ҳинду қабилаларига душманлик назари билан қараб келишган, уларга қарши оқ танлилар билан иттифоқ тузишган, тез-тез урушлар очишган. Ашанинка жангчилари

оқ танли плантаторларга экинзорларини бошқа қабилалардан кўриқлашда ёрдамлашишган, каучук йиғувчиларни ўрмон аҳли ҳужумларидан ҳимоя қилишган.

Ашанинкалар йирик қабилла бўлиб, улар яшайдиган қишлоқлар ўртасида доимий алоқа ўрнатилган. Бу қабилла жангчилари ўқотар куроллардан усталик билан фойдалана олишади. Улар уч минг ки-

шилиқ мунтазам армия тузиб, "Ойдин йўл" ташкилотига мансуб перулик партизанларни ўз ҳудудларидан ҳайдаб чиқаришган.

Кам сонли амовака қабиласи ҳамон чангалзорларда яшашади. Ашанинкалар уларни беписандлик билан амовака (ярамас махлуқлар) деб аташади. Уларнинг асл номи номальум. Бу икки қабилла ўртасидаги асрлар бўйи давом этиб

келаётган хунрезликни ҳозирги замон тараққиёти кучайтириб юборди. Гап шундаки, ашанинкалар илгари асосан Перу ҳудудида яшашарди. Аммо сўнгги йилларда бу мамлакатда саноатда фойдаланиш мақсадида кўплаб дарахтлар кесилляпти, ўрмонларга қирон келяпти. Ўз-ўзидан ашанинкалар овлайдиган жониворлар ҳам қирилиб кетяпти. Қабилла аҳли ўлжа из-

лаб амовакалар ҳудудида кириб боряпти. Аввалига икки қабилла умумий тил топишиб турганди. Аммо нимадир бўлиб ўртада қон тўкилгач, яна ўзаро душманлик авж олиб кетди. Жангарилиқда амовакалар ҳам ғанимларидан қолишишмайди. Фақат улар оз сонли, бунинг устига замонавий ўқотар куроллардан фойдаланишни билишмайди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, уларнинг орасида яқин орада катта ёшли эркалар қолмаслиги мумкин. То Бразилия ва Перу ҳукуматлари вакиллари уларни мураса-мадорага келтириш, яраштириш борасида қатъий чоралар кўришгунча ашанинкалар амовакаларни битта қўймай қириб ташлашса-чи? Зеро, чангалзорларнинг ўз қонунлари бор...

ҚОНУНИ

ЁЛҒОН ХОТИРА ҲАМ БЎЛАДИ

Руҳшунослик амалиётида унут бўлган хотирани тиклаш усули мавжуд. Сўнгги пайтларда АҚШ ва Канада психотерапевтлари ундан меъеридан ортиқ фойдаланишлари катта кўнгилсизликларга сабаб бўляпти.

Ёш жувон шифокорга руҳан безовталиги, хотираси бўшашиб кетганидан шикоят қилди. Психиатр унинг хотирасини "тиклади". Шунда жувон 13 ёшлигида ўқитувчиси зўрлаб номусига текканини, натижада ҳомилидор бўлиб, боласини олдириганини "эслади". Жувон ўқитувчисини судга берди... Суд ўчган хотирани қайта тиклаш илмий асосга эга эмас, шу са-

бабли айбни исботлаш учун далил бўлолмайди, деб қарор чиқарди.

Ҳақиқатан ҳам кўнгилсиз ҳодисаларнинг тез унутилиши, хотиранинг энг чуқур еридан жой олиши ҳодисаси мавжуд. Масалан, қўйдек ювош одам ғазаб устида бировни ўлдириб қўйиши мумкин. Кейин мурдага тасодифан дуч келиб қолдим деб ўйлаб

ўзи полиция чақириси ҳолати ҳам учрайди. Бу ҳодиса фанда психоген амнезияси деб аталади.

Бизнинг кунларимизда бундан ҳам аянчлироқ ёлғон хотира ҳодисаси кенг тарқалган. Бу нафақат руҳий касаллик, балки ишонтириш ва ўз-ўзини ишонтириш билан боғлиқдир. Кўпинча руҳшунослар мижозлари билан суҳбат чоғида бир пайтлар оталари ёки яқин қариндошлари, ўқитувчилари номусларига текканига уларни ишонтириб қўйишади. Ёлғон хотира оилавий фожиаларга олиб келади.

— Юзлаб, ҳатто минглаб бундай далиллар қайд қилинляпти, — дейди филадельфиялик психиатр Гарольд Лиф. —

Оқибатда кўплаб оилалар бузилиб кетяпти.

Канаданинг Онтарио вилоятида яшовчи Гэйл Макдональд яқинда "Касалликни қандай келтириб чиқаришади?" номли китоб ёзди. У ушбу асарда ўзини шифокорлар, деярли гипноз остида болалигида отаси зўрлаганига ишонтиришгани ҳақида ҳикоя қилади. Шундан сўнг қиз оиласини ташлаб кетади. Кечалари унга даҳшатли тушлар азоб беради. Қиз ейиш-ичишдан қолади. Агар бир ақли психотерапевт унга ёрдам бермаганида, ким билсин бу ёлғон хотира таъсири қандай яқун топарди.

Ёлғон хотира синдроми бўйича ўтказилган илмий ан-

жуманлардан бирида Вашингтон университетининг руҳшунослик профессори Элизабет Лофтус аслида ҳаётида бўлмаган воқеага инсонни нутқ, гипноз ёрдамида ишонтириш осонлигини таъкидлаган эди.

Тушқунликка, жазавага тушишга мойил шахслар ўта таъсирчан бўлиб, ҳақиқат ва рўёни тез қориштириб юборишади. Шунинг учун профессионал психотерапевтлар ҳаваскор ҳамкасбларини "хотирани тиклаш" усулларидан бўлар-бўлмасга фойдаланишдан тийилишга чақиривляпти. Канададаги адвокатлар ҳайъати эса бу усулларни умуман таъбатда қўллашга қарши.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

тарғиботчи, шу билан бирга яхши рухшунос бўлишлари зарур. Бунинг учун эса йиллар давомида машаққатли меҳнат, изланиш талаб этилади.

Профилактика инспекторлари олдига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, вилоят ИИБ ҲООБ томонидан бир қанча услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди. “Милиция таянч пункти профилактика инспекторларига хизмат фаолиятини ташкил этишда фойдаланиш учун”, “Профилактика инспекторларининг маҳаллаларда аҳоли хавфсизлигини таъминлашни ташкил этишлари бўйича услубий қўлланма”, “Сирдарё вилояти ИИБ профилактика инспекторлари хизмат фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий билимини ошириш юзасидан хизматда фойдаланиш учун услубий қўлланма” кабилар шулар жумласидандир.

Мазкур рисолаларда ходимлар учун зарур бўлган амалий-назарий йўриқлар ўз аксини топган. Ариза ёздиришдан тортиб, жиноят иши қўзғатишгача бўлган меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш, юришти тартиби кўрсатилган. ИИБ ҲООБда тузилган режа асосида профилактика инспекторларининг билимлари синовдан ўтказиб турилади. Бундан ташқари аҳолининг уларга бўлган муносабати ўрганилади. Агар ходим ишни эплай олмай унга эътирозлар билдирилса, бошқа соҳага ўтказилади. Иш тажрибамизда бир нечта шундай ҳолатлар кузатилди. Бирок, одамларни ўзига эргаштириб, бор куч-воситалардан тўғри фойдаланиб, кўпчилик олқишига сазовор бўлаётган ходимлар кам эмас. Янгиер шаҳар ИИБ профилактика инспектори, милиция капитани А. Мизамов, Гулистон шаҳар ИИБ профилактика инспектори, милиция

лейтенанти Ф. Зиёев, Ш. Рашидов тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция майори М. Асилбековлар шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг шу даврига қадар Ховос туманида содир этилган жиноятларнинг 13 таси, Меҳнатобод туманида 12 таси бево-сита осойишталик посбонлари томонидан очилган. Профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти М. Оловбоев, милиция капитани И. Холбоевлар бириктирилган “Бинокор”, “Файзиобод” маҳаллаларида эса умуман жиноят содир этилмаган.

Профилактика инспекторлари ишни тўғри ташкиллаштириш, имкониятлардан унумли фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратилапти. Шунингдек, уларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигига катта аҳамият берилапти. Милиция таянч пунктларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ҳам ИИБ раҳбарияти диққат марказида. Яратилаётган қулайликлардан тегишли хулоса чиқарган ходимларимиз Ватани, халқи олдидаги бурчини сидқидилдан бажаришга астойдил ҳаракат қилишяпти.

Ҳ. ЭРМАТОВ,
милиция подполковниги.

ПРОФИЛАКТИК ИШЛАР САМАРАСИ

Кейинги пайтда профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ташкил этилаётган профилактик ишлар турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда катта аҳамият касб этапти. Пойтахтнинг С. Раҳимов тумани «Тахтапул» маҳалласида жойлашган 202-милиция таянч пунктида бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Худудимизда 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — деди биз билан суҳбатда маҳалла оқсоқоли А. Тошпўлатов. — Фуқаролар тинч-тотув ҳаёт кечиришяпти. Барча хонадонлар кўчабошилар томонидан назорат қилинади. Мабодо бирорта оилада келишмовчилик келиб чиқса, дарҳол маҳалла посбонлари ва фаоллар билан бориб, низонинг сабабини аниқлаймиз. Юзага келган муаммонинг биргаликда ҳал этилиши бу ерда яна тотувлик ҳукм суришига олиб келади. Барака топишсин, профилактика инспекторлари куннинг исталган пайтида кўмаклашиш, осойишталикни таъминлашга шай туришади.

Биргина оқсоқол эмас, бошқа кишилар ҳам милиция ходимларидан мамнун эканликларини айтишди. Бу бежиз эмас, албатта. Профилактика катта инспектори, милиция майори Б. Абдусаломов ва профилактика инспектори, милиция капитани Ш. Мамажоновлар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашишяпти. Милиция таянч пунктида навбатчилик ташкил этилган. Фуқаролар узоқлари яқин, оғирлари енгил бўлаётгани учун осойишталик посбонларига миннатдорчилик билдиришяпти. Тунда ҳам навбатчилик ташкил этилган. Маҳалла посбонлари ва фаоллар худудни айланиб, шубҳали кўринган шахсларни сўраб-суриштиришади, лозим топилса милиция таянч пунктига олиб келадилар.

Аҳоли ўртасида ва таълим муассасаларида “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Жиноятнинг иддизи”, “Гиёҳвандлик — иллат”, “Ўсмир, мактаб ва онла” каби мавзуларда тез-тез суҳбатлар ўтказилаётгани яхши натижа берапти. Шу каби профилактик ишлар тўғри йўлга қўйилгани сабабли худудда жиноятларнинг олди олинмоқда.


А. ФАЙЗИЕВ,
амалиётчи.

Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБ ходимлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш йўлида астойдил хизмат қилмоқдалар.

Бекат худуди катта, шу билан бирга бу ерга ташриф буюрувчилар хилма-хил. Жорий йил бошидан буён бўлим қошидаги аниқ яшаш жойи ва машғулот турига эга бўлмаганларни реабилитация қилиш марказига икки юз нафардан ортиқ киши келтирилгани фикримизнинг далилидир. Шулардан ярмига яқини МДХ фуқаролари бўлиб, юртимизга қонунга зид равишда кириб келгани маълум бўлди. Уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Ўтган даврдаги савий-ҳаракатлар натижасида қидирувда бўлган, шунингдек, ҳарбий хизматдан бўйин товлаб юрган тўрт фуқаро аниқланиб, ушланди.

“Антитеррор”, “Тозалаш”, “Арсенал” каби мақсадли про-

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ



филактик тадбирлар давомида жамоат жойида бўлиш тартибини бузиш, майда безорилик, оз миқдорда талончилик содир этиш бўйича 250 та ҳолат рўйхатга олинди. 40 киши дайдилиги учун ушланди. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга

ППХ ва ЖТСГ ходимлари, милиция катта лейтенанти Ш. Назаров, милиция катта сержанти Б. Содиков, милиция сержантлари Ш. Назаров, Т. Тоғаев, Ш. Йўлдошев ва бошқалар муносиб ҳисса қўшишяпти.

Яқинда бўлим навбатчилик қис-

мига Термиз – Тошкент йўналиши бўйича қатновчи поезднинг 6-вагонига кетаётган фуқаро М. М. га нисбатан босқинчилик содир этилгани ҳақида хабар тушди. ИИБ ЖК ва УЖҚБ ходимлари, милиция майори О. Хидиров, милиция капитанлари Қ. Гаппоров, П. Пардаев ва Б. Содиковлардан иборат тезкор гуруҳ дарҳол воқеа жойига етиб борди. Тезкор ҳаракатлар натижасида босқинчилар жабрланувчининг дипломатини бузиб очиб, унинг ичидаги катта миқдордаги пулни бўлишиб олишга улгурмасдан қўлга олинди. Тармоқ ИИБ ходимлари бу каби қонунбузарликнинг олдини олиш учун бутун куч-имкониятларини ишга солаётирлар.

Б. МАҲМУДОВ,
милиция майори.

Суратда: милиция майори О. Хидиров (ўртада), милиция капитанлари Қ. Гаппоров ҳамда Х. Пардаевлар навбатдаги ишларни режалаштиришяпти.

З. МАҚСАДОВ олган сурат.

Навбатчилик қисми хабарлари

ЭНГ ОҒИР ГУНОҲ

Ноҳақ одам ўлдириш энг оғир гуноҳлардан бири ҳисобланади. Агар киши ўз онаси ёки отасининг жонига қасд қилса-чи? У қандай бош кўтариб юради. Самарқандлик И. Асқад онасини, Нукус шахрилиқ Р. Роҳила эса отасини ўлдираётганда қандай оғир гуноҳга ботаётганларини бир ўйлаб кўрганмиканлар?

ИЗЛАРНИ КУЛ БОСМАДИ

Тошкент вилояти Ангрён шаҳар педагогика коллежи ўқитувчиси Г. Алфиянинг хонадонидан ярим тунда ёнғин чиқди. Эрталаб ўт ўчирилганда унинг 30 м² майдони, бир қанча уй-рўзгор буюмлари ёнгани аниқланди. Шунингдек, хонадондан уй бекаси ҳамда унинг қизи ўткир тизли жисм билан жароҳат етказилган, куйган ҳолдаги жасадлари топилди. Қотил қўлга олинди. У аввал марҳумалар билан бирга спиртли ичимлик ичган, ўртада жанжал чиққач, мезбонларни ўлдирган экан. Ҳойнаҳой, у қотиллик изларини бекитар, деб уйга ўт қўйгандир.

ОШҚОЗОНДА... ГЕРОИН

“Денов – Урганч” йўналиши бўйича қатнайдиغان автобус Косон тумани худудига келганда тўсатдан йўловчилардан бирининг соғлиғи ёмонлашди. Уни зудлик билан Қашқадарё вилояти тез тиббий ёрдам касалхонасига ётқизишди. Аммо шифокорларнинг савий-ҳаракатлари зое кетди – бемор вафот этди. Ошқозонига жойланган героин тўлдирилган 12 та идишчадан бири ёрилиб кетгани унинг ўлимига сабаб бўлган эди.

АВВАЛ УЙҚУ ДОРИ ИЧИРДИ

Урганч шаҳридан оқиб ўтувчи Шовот каналдан 25-30 ёшлардаги аёлнинг жасади топилган эди. Суриштирув-қидирув ишлари натижасида унинг II гуруҳ ногирони К. Гулнора эканлиги аниқланди. Аёлга таниши, муқаддам судланган А. Ёлкиной 8 дона демидрол ҳалдориси ичирган. Сўнг канал бўйига бошлаб бориб, тилла тақинчоқларини ечиб олиб, ўзини сувга итариб юборгани маълум бўлди.

РАШК УСТИДА

Жаҳл келганда ақл кетади, дейишади. Рашк ҳам ақл кўзини кўр қилар экан. Қуйичирчиқ тумани Қўрғонча қўрғонилиқ Қ. Адиба рашк устида А. Валериянинг елкасига, бўйнига пичоқ уриб, унга жароҳат етказди. Жабрланувчи касалхонага ётқизилди.

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАНЛАР

Пойтахтнинг Сирғали даҳасида яшовчи икки оғайни Ш. Шавкат ва П. Владимир илгари судланишган. Бундан тегишли хулоса чиқармай яна жиноятга қўл урдилар. Бу сафар “Марказ” даҳасида яшовчи бир фуқаронинг уйига ниқоб кийган ҳолда бостириб киришди. Уни қўрқитиб пул талаб қилдилар. Уй эгасининг ёрдам сўраб бақирганини эшитган, ўша атрофда хизмат ўтаётган патруль-пост хизмати ходимлари воқеа жойида уларни қўлга олдилар.

Жиноят оламида

Маълумки, гиёҳвандлик моддаларини сотиш курол-яроғ савдоси билан бир қаторда энг сердаромад “бизнес” ҳисобланади. Биргина Россияда гиёҳвандлик моддалари бозорида бир йилда 2,5 миллиард АҚШ доллари айланади. Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган экин етиштирувчи афғонистонлик “деҳқон” ўн килограмм хом ашёдан 1 кило героин олиб, уни 100 АҚШ долларига пуллайди. Москвада эса “истеъмолчи” оқ ажалнинг 1 граммига 85-90 АҚШ доллари тўлайди. Ана энди орадаги воситачилар қанча фойда кўришини ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверинг.

Россия, умуман Европага гиёҳвандлик моддалари етказиб берувчи асосий мамлакат Афғонистондир. Бу ерда жаҳондаги гиёҳвандлик моддаларининг 60 фоизи етиштирилади. Афғонистон, хусусан, ноқонуний равишда опий ва героин тайёрлаш борасида



етакчилик қилади. У ерда кўкнорни қайта ишловчи 400 дан зиёд лаборатория мавжуд. 1998 йилда мамлакатда 2800 тонна кўкнор етиштирилган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 4600 тоннани ташкил этди. 2000 йилда 7000 тонна ҳосил олиш мўлжалланган эди, аммо қурғоқчилик халақит берди. Қурғоқчилик 2001 йилда ҳам давом этди.

ловчилар ва ўртача улгуржи савдо билан шуғулланувчилардир. Энг юқори табақадагилар ўзлари бевосита оғу билан алоқа қилишмайди. Уларнинг вазифаси операцияларни режалаштириш ва олинган пулларни қонунийлаштиришдан иборат.

Гиёҳвандлик моддаларини ташувчилар ва тарқатувчилар наркотики бизнеснинг энг кўп сонли армиясидир. Биргина Москвада 20.000га яқин киши шу “иш” билан машғул. Бу ерда деярли ҳамма жойда: бозорларда, метроларда, дискотекаларда, мактаб ва олий ўқув муассасаларида оғу харид қилиш мумкин.

Россияга захри қотил ташувчилар қарийб барча транспорт воситалари: энгил ва юк машиналари, самолёт, поездлардан фойдаланишади. Айниқса, поездлар улар учун қулай. Наркотикурерлар қандай найрагларни ўйлаб топишмайди, дейсиз. Эркаларнинг ошқозонлари, аёлларнинг нозик жойлари, чақалоқларнинг тагликлари орасидан героин жойланган капсулар топилган. Пойабзалларнинг товонлари, ёнғоқ ва анорлар ичи, ҳатто кўкатлар ҳам ана шундай яширин жойлар сирасига киради...

ЭНГ ФОЙДАЛИ «БИЗНЕС»

«ДУШАНБЕ – МОСКВА» ТЕЗЮРАРИ

Афғон “дориси”ни Россия ва Европага жўнатишнинг энг қулай йўли бу Афғонистон – Тожикистон чегарасидир. Бир ярим минг километрлик сарҳадни на Россиялик 11 минг кишилик чегарачилар, на тожикистонлик ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари тўла назорат қилишнинг уйдасидан чиқа олишмаяпти. Тожикистонда саноат ва қишлоқ хўжалиги оғир аҳволда эканлиги наркотики бизнесчиларга қўл келяпти. Улар ишсизлар орасидан наркотикурерларни танлаб олишяпти. БМТ маълумоти-га қараганда Марказий Осиёда контрабанда қилинаётган гиёҳвандлик моддаларининг 5 фоизигина мусодара этиляпти.

Афғон героини Қирғизистон орқали ҳам олиб ўтишга уриналяпти. Бундан ташқари мамлакатнинг Чуй водийсида ёввойи нашазорлар бор. Ундан мариху-

ана олинади. Устига-устак Иссиқкўл бўйида давлатга қарашли, ҳарбий бўлинмалар кўриқлайдиган кўкнорзорлар ҳам мавжуд. Улардан тиббий мақсадларда – морфин олишда фойдаланилади. Бу экинзорларга умид кўзи билан қараётган гиёҳфурушлар йўқ эмас. Бундан ташқари Қирғизистонда ёввойи эфедрин ҳам ўсади. Ундан яширин равишда эфедрин моддаси олишади. Ўш шаҳри Марказий Осиёдаги наркотики бизнесчиларнинг норасмий пойтахти ҳисобланади. “Оқ ажал”ни Россияга ташиш режалари шу ерда тузилади.

Қозғистонда гиёҳвандлар сони йилдан-йилга ўсиб борапти. Маҳаллий матбуот хабарларига кўра, бу иллатга мубтало бўлганлар ҳозирда ярим миллион кишига етди. Ҳатто мактабларда, институтларда захри қотилни сотиш ҳолатларига дуч келиш мумкин. Бошқа чоралар кам самара бераётганини кўриб республика Адлия вазирлиги

ҳузуридаги наркомания ва наркотики бизнесга қарши кураш кўмитаси раиси Сериккали Муқанов гиёҳвандлик воситаларини тарқатувчиларга ўлим жазоси тайинлаш таклифи билан чиқди.

Жаҳон амалиётида бундай тажриба мавжуд. Масалан, Хитойда 50 грамм героин сотган киши ўлимга ҳукм қилиниб, мол-мулки мусодара этилади. Сингапурда 15 грамм героин, 30 грамм морфин ёки 500 грамм марихуана ташиган киши отувга ҳукм қилинади.

НАРКОМАФИЯ ШАКЛЛАНЯПТИ...

БМТнинг гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича бошқармаси ходимларининг маълумотларига қараганда, МДХ ҳудудида кўп табақали наркомания шаклланыпти. У уч қисмдан иборат. Энг куйи табақа чакана савдо билан шуғулланади. Ўрта бўғиндагилар ташувчилар, уларни кўриқ-

БМТ ЭКСПЕРТЛАРИ ҚАТНАШИШАДИ

Мексиканинг Чихуахуа штатида сўнгги 10 йил давомида 375 нафар хотин-қизлар ўлдирилди. Уларнинг кўпчилиги АҚШ чегарасидаги Сиуддад – Хуарес шаҳрида яшашган. Марҳумалар 13-27 ёш оралиғида бўлишган. Улар зўрланиб, сўнг бўғиб ўлдирилган.

Ўн йил давомида бор-йўғи биттагина қотиллик фош этилди. Жиноятчи – мисрлик Абдал Латиф Шариф Шариф 1995 йилда бир қизни ўлдиргани учун 20 йилга озодликдан маҳрум этилди. Юқоридаги қотилликларга алоқадорликда гумонланиб яна 18 киши ҳибсга олинган. Улардан беш нафари далиллар етарли эмаслиги сабабли қўйиб юборилди, бир киши ўлди, қолган 12 таси устидан ҳали суд жараёни бошланмади.

Тергов тахминларига кўра, хотин-қизларни аъзоларидан фойдаланиш учун ўлдирган бўлишлари мумкин ёки шайтонга сигинувчилар ўз маросимларида қурбонликка сўйган бўлишлари эҳтимоли ҳам бор. Улардан ваҳшиёна фильмларни суратга олишда фойдаланишгандир, деб ҳам тахмин қилинапти.

Жиноят ишини тергов қилишда энди БМТнинг олти нафар эксперти ҳам қатнашадиган бўлди. Мексика Президенти Висенте Фокс Хуарес шаҳрида, умуман Чихуахуа штатида тартиб-интизом ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги чоралар кўрилишини маълум қилди. Ана шу дастур доирасида маҳаллий полиция фаолиятини 300 нафар федерал агент назорат қилади.

«ҚАССОБЪ» ЖАРРОҲЛАР

Москвалик Анатолий Орехов жарроҳлар дастидан буйрағидан ажрашига бир баҳя қолди. Операция хонасига тезкор ходимлар бостириб кириб бунга халақит беришди.

Анатолийни бир кун олдин кўчада маст, боши ёрилган ҳолатда топишган эди. Раҳмдил йўловчилар милицияга хабар беришди. “Тез ёрдам” машинаси уни беҳуш ҳолда 20-шаҳар касалхонасининг реанимация бўлинмасига олиб борди. Беморга бош мия гематомаси, 2-даражали кома деб таҳхис қўйилди.

— Қандайдир пианиста, — деди шифокорлардан бири.

— Ҳа, дайди.

— Умид қилмасам ҳам бўлади...

— Аммо сезгиси бор. Ана қўлини силкитяпти.

— Ҳозир сезги ҳам йўқолади. Кейин бемалол ёрса бўлади.

Анатолий Орехов бу гап-сўзларни, ўз устидан чиқарилган ҳукми эшитмасди. У билан реанимацияда шифокорлардан фақат Одам аъзолари докторлиги мувофиқлаштириш маркази бригадасигина қизиқарди. Сабаби, уларга Ореховнинг буйрағи керак эди.

Шифокорлар яширин камера ўзларининг барча гап-сўзларини, хатти-ҳаракатларини ёзиб олаётганини билишмасди.

Юқоридаги воқеадан бир неча ой илгари Москва шаҳар ИИББ жиноят қидирув хизмати қотилликлар бўлими бошлигининг ўринбосарига навбатчи кўнгироқ қилди.

— Бир киши келди. Унинг айтишича, трансплантология билан боғлиқ қотилликлар содир этилаётган экан, — деди у.

Келган одам шаҳар касалхоналаридан бирида реаниматолог бўлиб ишларкан. У шифохонадан трансплантологлар ҳали тирик беморларнинг аъзоларини бошқаларга кўчириб ўтқизиш учун кесиб олишларини айтиб берди. Тезкор ходимлар Москвадаги трансплантация билан шуғулланувчи марказ бригадаларини зимдан кузата бошлашди. Реанимацияга яширин камера ўрнатилди...

... Яна ҳикоямиз бошидаги воқеага қайтсак. Жарроҳлик хонасида аввалига ишлар белгиланган тартибда борарди.

— Ҳаммаси тайёр. Қоғозга (Ореховнинг ўлганлиги ҳақидаги далолатнома назарда тутиляпти!) имзо чекилган.

— Ёринлар!

Ореховнинг қўллари бошининг орқасига қилиб боғланган эди. Ҳамшира тирик беморнинг қорнига йодопирон суртар экан хўрсиниб деди:

— Э худо, ўзинг гуноҳларимни кечир...

Шу лаҳза реанимацияга оқ халат кийган тезкор ходимлар отилиб киришди.

— Шифокорлар реанимацияни чинакамига мудофаа қилишди, — дея кейин гапириб беришди изқуварлар. — Биз “Эшикни очинглар, милиция!” деб бақирамиз. Улар эса, аксинча, бизларни ташқарига суриб чиқариб, эшикни бекитишга уринишарди.

Ҳақиқатан ҳам трансплантология маркази жарроҳлари П. Пятничук ва Б. Шагдурова ҳали тирик одамнинг буйрағини кесиб олмоқчи бўлганлари тергов чоғида исботланди. Суд-тиббийет эксперти ўзи операция хонасига келмасдан, беморни кўрмасдан унинг ўлганлиги ҳақидаги ҳужжатни имзолаган. Бланкага ҳатто “марҳум”нинг исми-шарифи ҳам ёзилмаган экан...

(Давоми бор).

Хаёт сўқмоқларида

Бўладиган бола



Алламаҳалда вилоятдаги йиғилишдан бўлимга қайтган Ботир Усмонов навбатчилар хонаси ёнидан ўтаётди, Ақромжон билан гаплашиб ўтирган 13-14 ёшли болага кўзи тушди.

— Болакай тунда бу ерда нима қилиб ўтирибди? — бошлиқ навбатчидан астойдил аччиқланди. — Уни зудлик билан уйига элтиб қўйинглар.

— Ўртоқ подполковник, мурожаат этишга рухсат этинг, — Ақромжон бошлиқнинг рухсатидан сўнг изоҳ берди:

— Биз сизни кутаётгандик. Боладан эса хавотир олманг. Унинг ҳеч кими йўқ экан. Кундузи ўғирлик устида кўлга тушган.

— Қаерда турар экан?
— Болалар уйда. Менимча, у кўп нарсани билади. Шунинг учун сиз ҳам гаплашиб кўрсангиз.

Ботир Усмонов болани хонасига олиб киришни тайинлади.

Қотмадан келган, озғин, аммо кўзлари бежо боқадиган болакай навбатчи ҳамроҳлигида бошлиқ ҳузурига кириб келди.

— Ўтир, — Усмонов унга жой кўрсатди.

— Исминг нима?
— Лочин.
— Ота-онанг борми?
— Билмадим.
— Бу нима деганинг?
— Улар ажрашишгач, мени бо-

лалар уйига беришди. Ҳозир қаерда эканликларини билмайман.

— Хабар олишадими?
— Йўқ. Эҳтимол, йўқлаб келишса ҳам, мени тополмасалар керак. Чунки у ерда кам бўлман.

— Бу ерга қандай келиб қолдинг?
— Ўғирлик туфайли.

Лочин бошлиқнинг саволларига иккиланмай жавоб берар, ҳеч бир кўрқув, саросимага тушиш сезилмасди.

— Нималар ўғирлайсан?
— Кўп нарсас... буюм, озиқ-овқат, баъзан қорамол.

— Кўлга тушиб, қамалиб кетишдан кўрқмайсанми? Шерикларинг борми?
— Бор. Уларнинг деярли барчаси катталар. Мени "разведкачи" қилиб олишган. Қаерда ўғирлик қилиш мумкинлигини обдон ўрганиб, хабар бераман, сўнг

бамайлихотир ишга киришамиз.

Ботир Усмонов боланинг сўзларидан сўнг анчадан буён кўпчиликни ташвишга солаётган ўғирлар тўдасининг изига тушгандек бўлди.

— Ҳозир ўша жойларни топа оласанми? — деб сўради бир оз ўйлиниб тургач.

— Бўлмасам-чи?

Бошлиқ навбатчига машина тайёрлашни буюрди. Бир оздан сўнг болани олиб, бир нечта ходим билан йўлга тушди.

Тун қоронғусида машина елиб борарди. Бир зумда осуда шаҳар ортада қолди. Боланинг кўрсатмасига кўра, машина қишлоқ кўчаларидан бирига бурилди. Кўп ўтмай ҳайдовчи ишорага кўра тормозни босди.

— Шу ерда бир хонадон бор. Уй эгалари жуда беларво. Буюмларини қаровсиз қолдириб кета-

веришади. Мана бу уйдан эса, — бола қатор уйлardan бирини кўрсатди. — Телевизор, гилам, яна кўп нарсас олиб чиқиб сотганмиз. Уй эгалари кўпинча қаергадир кетишади. Тун ярмида калит билан уйлари очиб, буюмларни ўмариш мумкин.

Лочин қайси уйда шароит қандай, ким қачон уйда бўлишини айтиб берарди.

— Чакки эмас, — деб қўйди бошлиқ унинг хотирасига тан бериб.

Унинг илтимоси билан машина бошқа туманга йўл олди. Бу ерда эса болакай қорамолни қаердан, қандай ўғирлаш мумкинлигини тушунтирди. Машинада бирга келган видеотасвирчи унинг чаққон ҳаракатлар қилиб девор ошиши, буюмларни кўлга киритиш жараёнларини суратга олди.

Бошлиқни боланинг ўткир хотираси, довраклиги, чаққонлиги ҳайратга солди. "Қани энди шундай ўсмирларни тарбиялаб, тўғри йўлга солсак, — хаёлидан ўтказди у. — Ажойиб изқуварлар етишиб чиқарди-да".

— Мен кўлга тушмасдим, — деди Лочин ортага қайтаётганларидан бамайлихотир, — разведкачи бўлиш жонга тегди.

Ботир Усмоновга унинг очиқлиги ёқди. Бироқ у — ўғри. Унга дарҳол ишониб ҳам бўлмайди. Машина манзилга қайтди. Бола бўлимда қолиб эрталаб болалар уйига олиб бориб топширилди. Лочиннинг кўрсатмасига кўра ўғирларнинг катта бир гуруҳи кўлга олинди...

Ботир Усмонов вақт топиб, болалар уйига Лочинни йўқлаб борди.

— Аҳволлар қалай ошна? — сўради ундан кўришаётиб.

— Ёмон эмас, — деди Лочин катталардек. — Ўқиялман.

Ботир Усмонов у билан бир оз суҳбатлашиб ўтиргач, кетишга ижозат берди, сўнг болалар уйи тарбиячисига юзланди:

— Болани қаттиқ назорат қилинглр, ўқишни тутатгач, у билан ўзим шуғулланаман.

У тенгқурлари орасида турган Лочинга кўл силкиб, хайрлашар экан "бўладиган бола", деб қўйди.

У. ЮСУПОВА.

Шунақаси ҳам бўлади

Қайнонасини тунаган желин

Телефон жиринглаб, Олим опасининг дугонаси Луиза билан анча гаплашди. Луиза яна эски гапни кўзгади:

— Қайнопамникига кетяпмиз. Поччанг, шум кампир ҳам бирга боради. "Операция"ни шу бугун амалга ошир. Кўрқма, уйда ҳеч ким йўқ...

Луизанинг таклифига кўра, Олим унинг қайнонаси жамгарган пулларни ўғирлаши керак. Бу фикр Олимга ҳам ёққан.

Зиёфат қуюқ бўлди. Тўй кассетаси яйраб кўрилди. Ярим тунда хайр-маъзур қилиб, қайтишди.

Мастура ая уйдаги эшик, деразалар очилиб ётганини кўриб кўрқиб кетди. Шошилиб ичкарига кирдию, сандиққа кўзи тушди.

— Ўғри кирибди, ўғри! — у сочилиб ётган латтапутталар орасидан пулларни излай бошлади. — Яшшамагур, ҳаммасини олиб кетибди! Войдод, пулимни олиб кетибди!

Воқеадан кўни-кўшилар хабар топишди. Қарши шаҳар ИИБга ўғирлик ҳақида хабар қилинди. Ички ишлар ходимлари келиб, ёзиб-чизиб кетишди. Ая ҳали ундан, ҳали бундан гумон қилади. Емай-ичмай тўплаган, бунинг устига қизлари-

нинг пулларини ҳам кўшиб олиб кетганларни қаргайди. Ахир сандиқда 490.000 сўм, 1100 АҚШ доллари, 10.000 рубль бор эди-да. Қизлари ҳам "сизда турсин" дея йиққан-терганларини оналарига беришарди.

Ички ишлар ходимлари ўғирликни хонадонни яхши биладиган, унинг ички сирларидан хабардор одам қилган, дея гумон қилдилар. Ўғри эшик ойнасидан кириб-чиққани назарга олинса, у ёш бола бўлган...

Кўни-кўшилар, уларнинг болаларидан сўраб-суриштирилди, ҳамма хайрон, хижолатда.

Ички ишлар ходимлари Олим билан суҳбатлашишганда калаванинг учи топилгандай бўлди. У бўлган воқеани қандай гапириб берганини сезмай қолди. Хонадонга қайтарзда кирганию, пулларни сомонхонанинг қаерига яширганигача кўрсатиб берди.

— Наҳотки келин қайнонасини тунаган бўлса! Ёки кампирнинг уни кўролмасдан қилаётган ҳийласимикан? — дея таажубланишди кўшилар. Лекин бу ҳақиқат эди. Вояга етмаган Олим Тошев эса опасининг дуго-

насини юзидан ўтолмай жиноят ижросиси бўлган.

Ўғирланган пуллар сомонхонадан олиниб, Гулчехрахон исмли аёлнинг уйига қўйилганди. Луиза гўё уларни эри ишлаб топгану қайнонасидан яшириб қўяётганлигини айтиб, омонатга берганди.

Луизанинг маликалардек ясан-тусан қилиб юриш орзуси сароб бўлди. Мастура аянинг пуллари ўзига қайтарилди.

Луиза маҳаллада бош кўтара олмай қолди. Ким кўрса, "қайнонасининг уйини тунаган", деб уни кўрсатади. Энг ёмони, бу қилмиши оила деган муқаддас кўрғонни вайрон қилди. Қайнона — даъвогар, келин — айбланувчи сифатида суд бўлди! Луизанинг ножўя хатти-ҳаракати бир вояга етмаган болани ҳам эгри йўлга, жиноят кўчасига етаклади.

Қайнона-келин можароси яқинда Қарши шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг судьяси Ж. Бердиева раислигида кўриб чиқилди. "Қилмиш-қидирмиш" деганларидек, жиноятнинг ташкилотчиси ҳам, билиб-билмай жиноят ижросисига айланган бола ҳам қонуний жазога ҳукм қилинди.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

Қилмиш-қидирмиш

Поп туманилик Х. Алижон уйининг кўча деворини кечаси кимдир тепди. Чикиб қараса, далада бирга ишловчи Мамарасул.

— Тинчликми, ошна? — сўради хонадон эгаси.

— Уйда ўтириб зерикиб кетдим, — деди Мамарасул.

— Юракнинг чигалини ёзмаймизми?
Таклиф Алижонга ёқиб тушди. Икковлон қишлоқ дўконидан икки шиша вино олиб ичишди. Сўнгра бошқа бир танишлариникига йўл олишди.

— Кайфиятларингиз жойида, мени ҳам майшатга чақирсангиз бўларди-ку, гина қилиб қарши олди Шерали.

— Аёлларга ўхшаб аразлашни бас қил, — деди Мамарасул. — Биз олдинга ароқ ёки вино ичгани келганимиз йўқ.

— Унда нега келдинглар?
— ажабланди Шерали.

— Мамарасул тунов кунги гапни амалга оширишни таклиф этапти, — деди Алижон. — Шунга сен нима дейсан?

Шерали ўйлиниб қолди.

— Ўйчи ўйлаунча таваккалчи ишини битирибди, — деди Мамарасул. — Тезда иссиқроқ кийимларингни кийиб чиқ.

Шерали рози бўлди. Улар Алижоннинг "Урал" русумли мотоциклнинг ўт олдириб, тўғри Тошкент йўлига қараб кетишди.

Фурумсарой — Хонобод оралигидаги чорраҳада

жойлашган бозорчада савдо-сотик ишлари кечаси ҳам кундузгидек давом этади. Йўловчи машиналар гавжум. Ҳамтовоқлар "Урал"ни йўл четида қолдиришди. Бу пайтда Тошкентдан йўлга чиққан "Зил-130" русумли юк машинаси Қамчик довонидан ўтиб, Поп тумани чегарасига кирайиб келганди. Машинанинг юки оғир, зўр-базўр манзил сари юришда давом этарди.

Хайдовчи С. Эргашнинг ёнида эса юк эгаси

либ кетади. Бунақаси ҳечам бўлмаган. Хуллас, машина юкхонасидаги гуручдан бир неча қопи йўқ эди. Тавба, шунча гуруч қанот боғлаб ҳавога учди? Ёки ерга сингиб кетди? Буни ҳеч ким тушунтириб беролмасди. Келинг, воқеани талончиларнинг ўзларидан эшитайлик.

— Ўша кунни биз бозорчада Тошкентдан келаётган юк машиналарини кутиб ўтирдик, — деди судда Х. Алижон. — Соат тунги ик-

килар чамаси узоқдан юк машинасининг овози эшитилди. Шерали мотоцикли бошқарди, мен билан Мамарасул

кажавага ўрнашиб олдик. Шерали имкони борича мотоцикли юк машинасининг орқасидан ҳайдаб, унга яқин олиб борди. Мамарасул чаққонлик билан орқа кузовга тирмашиб, унинг кулфини очди ва қопдаги гуручларни бирмабир узата бошлади. Мен гуручларни мотоциклга жойлаштирдим.

Кўлга киритилган ўлжа далага яшириб қўйилиб, "Дамас"да Поп шаҳрига олиб келинди ва пуллаб юборилди. Туман ички ишлар бўлимининг тезкор ходимлари "каскадёр"лардан ҳам чаққон ҳаракат қилдилар. Жиноят тез кунда фош этилди. Талончилар қилмишларига яраша жазо олдилар.

Б. БОТИРОВ.

Йўлдаги «Каскадёр»лар

Республика ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ИИБ назорат-тафтиш бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги **Парахат ТУРДИМУРОВОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдирадилар.

Республика ИИБ Котибияти раҳбарияти ва шахсий таркиби Транспорт ИИБ котибияти бошлиғи, милиция подполковниги Фурқат Ризаева онаси **ХАЙРИНИСО** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти ва жамоаси Тошкент шаҳар ИИББ тиббиёт бўлимининг собиқ бошлиғи, истеъфодаги ички хизмат подполковниги **Илёс ТОИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бошқарма котибияти бошлиғи, милиция подполковниги Фурқат Ризаева онаси **ХАЙРИНИСО** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ёнғин хавфсизлиги хизмати фахрийси **Нуриддин АБДУМУРОВОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилдилар.



Сунги йилларда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашда кинология хизматининг роли тобора ошяпти. Хусусан, ноқонуний йўл билан олиб ўтишга уринилаётган қурол-яроғлар, гиёҳвандлик моддаларини топишда хизмат итларининг ҳиссаси катта бўляпти. Хоразм вилояти ИИБ кинология хизмати ходими, милиция кичик сержанти Мурод Жуманов ҳам тўрт оёқли ёрдамчиси кўмагида қўллаб жиноятларни фож этган.

Суратда: Мурод Жуманов "Юнона" лақабли хизмат ити билан.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

Бу турфа олам

БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг вақти кўпда бекор ўтмайди. Масалан, немисларнинг "Тегель" деб номланувчи қамоқхонасида "истикомат" қилаётганлар кун кўриш учун кўйлак, оёқ кийим ҳамда турли сумкалар тикиб, сотувга чиқара бошлаганларига ярим асрдан ошди. Авваллари "маҳбус" деган ёрлик ёпиштирилган маҳсулотлар фақат қамоқхона дўкони орқалигина сотувга чиқариларди. Бироқ Интернет орқали савдо қилиш имкони туғилгач, ушбу маҳсулотларга талаб кескин ўсди. Эндиликда хоҳлаган киши вебсайт орқали арзонроқ нархда ўзига ёққан кийимга буюртма бериши мумкин.

БИЛГАН ТОПИБ ГАПИРАДИ, БИЛМАГАН...

Йўл-транспорт ҳодисаси туфайли ҳалок бўлган йигитнинг онаси Америкадаги Омаха шаҳри полиция бошқармаси офицерини ўз вазифасига совуққонлик билан қарагани учун жавобгарликка тортилишини талаб этди. Саба-

би, офицер автохалокат ҳақида хабар бериш ўрнига маълумотни автоматжавобергичга узатган. Автомат орқали "ўғлингиз фалон жойда ҳалок бўлди", деган хабарни эшитган онанинг аҳволини тасаввур қилинг.

Бошқарма раҳбарияти бефаҳм офицерга хайфсан эълон қилиб, жабрдийда онадан кечирим сўради.

НОЁБ ФИРИБГАРЛИК

АҚШга келиб, бу юрт фуқаролигини олмоқчи ва доимий яшаб қолмоқчи бўлган муҳожирларни бир гуруҳ аёллар кучоқ очиб кутиб оладилар. Улар бир неча минг "кўки" эвазига никоҳдан ўтишга розилик билдиришади. Сохта никоҳлар туфайли Лотин Америкаси ҳамда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан келиб, АҚШда муқим ўрнашиб қолаётганлар сони тобора ўсиб бораёттир. Бироқ Нью-Йорк полицияси гуллаб-яшнаётган "никоҳ савдоси"га чек қўйди. Тасаввур қилинг-а, шундай фирибгарлик орқали 20 ёшли бир хоним 27 марта "эрга тегиб-ахралиш"га улгурибди.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Сўраган эдингиз...

КАФИЛЛИККА ОЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Яқин дўстим ўзига судда кафил бўлишимни илтимос қилди. Шахсий кафилликнинг жавобгарлиги тўғрисида маълумот берсангиз?

И. БЕШИМОВ,
Бухоро вилояти.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 4-бўлим 28-боб 251-моддасида белгилаб қўйилган.

Шахсий кафиллик ишончга сазовор бўлган шахсларнинг айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканликлари ҳақида ёзма мажбурият олишидан иборатдир.

Кафиллар сонини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд белгилайди. Алоҳида ҳолларда юксак ишончга сазовор бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкин.

Кафиллар ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига қўлланилиши мумкин бўлган жазо, олдини олиш мақсадида кафиллик тариқасидаги эҳтиёт чораси кўрилган ҳаракат айбланувчи, судланувчи томонидан содир этилган тақдирда кафилларнинг жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Бу маълумотлар кафилликка бериш баённомасида қайд қилиниб, уни шу эҳтиёт чорасини қўллаётган мансабдор шахс, айбланувчи, судланувчи ва кафиллар имзолаши лозим ёки бу маълумотлар суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Бундан ташқари, ҳар бир кафилликка олувчи кафиллик тўғрисида тилхат беради.

Кафиллар уларни жавобгарликка тортиш учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар ўз зиммаларига олинган мажбуриятлардан воз кечишлари мумкин.

Кафиллар айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атворини кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳаққи эмаслар, улар бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

Айбланувчи, судланувчи олди олиниши учун шахсий кафиллик қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, кафил қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши мумкин.

ХИЗМАТГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ


Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси Куролли Кучлар сафида хизмат қилган, ўрта, ўрта-маҳсус маълумотли, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Тошкент, Қиррай, Зангиота туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган, бўйи 170 сантиметрдан кам бўлмаган, 25 ёшдан ошмаган фуқароларни танлов асосида хизматга таклиф этади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Қашкар мавзеси 3-уй.

38, 72, 148, 67, 57, 10-автобусларнинг "Олой бозори" бекати. Мўлжал 31-поликлиника.

Маълумот учун телефонлар: 34-04-30, 136-19-11, 133-01-65.

КРОССВОРД



Бўйига: 3. Давлат ҳокимиятининг марказий органлари мажмуи. 9. Сайроқи куш. 10. Рус шоири. 11. Автомобиль кузови тури. 14. Словакия пул бириги. 15. Сув ташиш анжومي. 16. Ўзбек халқ мақоми. 20. Йиртқич куш. 21. Киракаш автомобиль ҳисоблагичи. 23. Темир йўл транспорти воситаси. 24. Бўйинбоғ. 26. Манзарали ўсимликлар етиштирувчи. 28. Муқимий шеър. 29. Тўшма жиҳоз. 34. Атоқли ўзбек геолог олими. 36. Нарвон қисми. 37. Хоржий валюта. 38. Офат келтирувчи табиат ҳодисаси.

Бўйига: 1. Самарқанддаги меъморий обида. 3. Хут ва Савр оралигидаги бурж. 4. Зийнат буюмлари учун ишлатиладиган ялтироқ тош қотган елим ашё. 5. Жисмларнинг қарама-қарши йўналган тенг кучлар таъсиридаги турғун ҳолати. 6. Олтой худудидаги кўл. 8. Россия футбол командаси. 12. Гап бўлаги. 13. Ҳароратни бир маромда сақлаб турувчи асбоб. 14. Бир турдаги нарсаларнинг маълум тартибдаги рўйхати. 17. Турғун ҳолатга нисбатан қарама-қарши ҳолат. 18.

Кичик дарё. 19. Орзу. 22. Сув энергияси билан ишловчи иншоотлар мажмуи. 25. Ҳамдўстликдаги республика пойтахти. 27. Ўзбекистон халқ ҳофиси, устоз санъаткор. 30. "Темир ҳётин" асари қаҳрамони. 31. Бадий асарда гавдалантирилган характер. 32. Организмнинг таом ҳазм қилиш аъзоси.

Ёйлар бўйича: 2. Енгил шамол. 7. Ер сатҳи ўлчови. 33. Ваколатли лавозимга сайланувчи. 35. Аёл исми.

Ф. ОРИПОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Саодат. 2. Спорт. 3. Иншо. 4. Гросс. 5. Гугурт. 6. Мисол. 7. Штат. 8. Ирода. 9. Бехзод. 10. Кваша. 11. Аъзо. 12. Билим. 13. Навоий. 14. Нишон. 15. Соат. 16. Сигал. 17. Мусиқа. 18. Кураш. 19. Одат. 20. Қалам. 21. Каратэ. 22. Мурод. 23. Режа. 24. Устод. 25. Ҳазина. 26. Чашма. 27. Стол. 28. Алиби. 29. Машраб. 30. Атама. 31. Одоб. 32. Доира.

Икки қуюқ чизиқли ҳалқадаги ҳикмат:

ДОНО УСТОЗ АЪЛО ШОГИРДЛАР ЕТИШТИРАДИ.

<p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИВ БИРЛАШГАН ТАХРИРИЯТИ</p> <p>MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1</p>	<p>Bosh muharrir Shuhrat MURODOV</p> <p>Bosh muharrir o'rinbosari v.b. Murod TILLAYEV Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV</p> <p>Navbatchi Sadriddin SHAMSIDDINOV Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV Musahhif Gavhar XOLIQOVA</p>	<p>TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 139-73-88. muxbirlar bo'limi 139-77-23, 59-27-15. Buxgaltir 139-75-37. Faks 132-05-51.</p> <p>E-mail: urmvd@globalnet.uz</p>	<p>Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.</p> <p>Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan</p> <p>Buyurtma 7 — 938. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida. 45079 nusxada chop etildi.</p>	<p>• Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart • Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. • Qo'yozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.</p>	<p>Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366 Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Bosilishga topshirish vaqti — 20.00. Bosilishga topshirildi — 20.00.</p> <p>«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy., 2, 3, 4, 5, 6.</p>
---	--	--	--	---	---